
Ҳоким ёрдамчилари халққа ҳисобот бермоқда

???? Риштон тумани ҳокимининг 71 та маҳаллага бириктирилган ёрдамчилари томонидан маҳалла аҳли учун йил якуни бўйича ҳисоботи ҳамда 2023-йилда режалаштирилган истиқболли вазифалар юзасидан сарҳисоб йиғилишлари бошланди.

???? Жумладан, кеча “Тўда” МФЙда ана шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Унда “Тўда” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Сардор Акбаров томонидан 2022 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2023 йилда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси фаолияти самарадорлигини янада ошириш концепцияси тақдимоти ўтказилди. Ҳисобот йиғилиши давомида фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, жорий йил учун маҳаллада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан ўз таклифларини бериб ўтишди.

2023-01-24 08:51:10